ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КАМИЛОВ БАХТИЯР ГАНИЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ОВЛАНАДИГАН БАЛИҚ ТУРЛАРИНИНГ РЕПРОДУКТИВ БИОЛОГИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.15 – Ихтиология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УЎК: 597.2:639.3

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Камилов Бахтияр Ганиевич
Ўзбекистонда овланадиган балиқ турларининг репродуктив биологияси хусусиятлари ……. 3

Камилов Бахтияр Ганиевич
Особенности репродуктивной биологии промысловых видов рыб Узбекистана ……...…… 29

Kamilov, Bakhtiyar Ganievich
Features of Uzbekistan commercial fish species reproductive biology..……. 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…… 59

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КАМИЛОВ БАХТИЯР ГАНИЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ОВЛАНАДИГАН БАЛИҚ ТУРЛАРИНИНГ РЕПРОДУКТИВ БИОЛОГИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.15 – Ихтиология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2DSc/B33 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Балиқчилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида(www.zoology.uz) ва «ZiyoNet»Ахборот–таълим порталида (www.ziyonet.uz.) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Пазилов Абдуваеит Пазилович
биология фанлар доктори, профессор

Мавлянов Очил Мавлянович
биология фанлар доктори, профессор

Жуманов Муратбай Арепбаевич
биология фанлар доктори

Етакчи ташкилот: **Самарканд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «26» февраль куни соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, $232^{б}$–уй. Зоология институтимажлислар зали. Тел.: (+99871) 289–04–65, факс (+99871) 289–10–60, E–mail:zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (15–рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, $232^{б}$–уй, Тел.: (+99871) 289–04–65.

Диссертация автореферати 2019 йил «12» февраль куни тарқатилди.
(2019 йил «12» февралдаги 16 – рақамли реестр баённомаси)

Д.А.Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик

Г.С.Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Э.Б. Шакарбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда мавжуд ирригация тармоқларини балиқчиликни ривожлантириш учун йўналтириш ва ички сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш муҳим саналади. Бу ўринда турли сув ҳавзаларидаги балиқ популяциялари ёш тузилиши ва ўсиш жадалликларининг ўзаро фарқланиши балиқ турлари серпуштлик кўрсаткичларини аниқлаш асосида яйлов аквакультураси технологиясини ривожлантиришни талаб этмоқда. Шунга кўра, турли сув ҳавзаларидаги балиқларнинг репродуктив биологиясини асослаш ва балиқчиликда юқори маҳсулдорликка эришишнинг янги биотехнология усулларини ишлаб чиқиш илмий–амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда аквакультура самарадорлигини ошириш, географик минтақалар учун ҳос бўлган сув ҳавзаларига боғлиқ равишда балиқ турлари репродуктив хусусиятларидаги ўзгаришларни баҳолаш ва ирригация тармоқларида балиқларнинг маҳсулдор популяцияларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, балиқларни сунъий кўпайтиришда қўлланиладиган самарадор технология мезонлари ишлаб чиқилди, ўстирилаётган балиқ турларида серпуштлиги юқори бўлган ота–она балиқлар тўдасини шакллантириш усуллари такомиллаштирилди ва турли географик минтақалардаги сув ҳавзалари учун пластик бўлган маҳсулдор балиқ турлари селекцияси ривожлантирилди. Таъкидлаш лозимки, мўътадил кенглик минтақаларидаги сув ҳавзалари гидротермик шароитларининг турли–туманлиги совуққонли организм бўлган балиқларнинг кўпаювчанлик хусусиятларининг ўзгарувчанлигига таъсир этади. Бу борада, балиқлар репродуктив хусусиятларини инобатга олган ҳолда балиқ овлашни меъёрлаштириш учун зарур бўлган самарадор популяция зичлигига эришиш сув ҳавзалари маҳсулдорлигини оширишнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, балиқлар репродуктив кўрсаткичларининг балиқлар ўсиши билан боғлиқлигини аниқлаш, балиқ авлодлари репродуктив хусусиятларининг популяция ичидаги ўзгарувчанликларга таъсирини баҳолаш ва шу асосда интенсив аквакультурада сунъий кўпайтириш мақсадида истиқболли балиқ турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий–амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда балиқчилик тармоғининг маҳсулдорлигини ошириш ва балиқчиликни ривожлантиришнинг интенсив усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, балиқларни ховуз поликультурасида етиштириш технологиялари такомиллаштирилди, совуқ сув, илиқ сув ва тропик балиқларни етиштириш усуллари ишлаб чиқилди ҳамда ва очиқ сув ҳавзаларида балиқ етиштиришнинг энг истиқболли тизими – қафас аквакультурасини амалиётга жорий этиш бошланди. Балиқчиликни ривожлантиришга оид вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қарорларида[1], жумладан, ПҚ – 2939-сон қарорда «сунъий ва табиий сув ҳавзалари заҳираларидан самарали фойдаланиш», ПҚ – 4005-сон қарорда «республика сув ҳавзалари майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан холда, жумладан,табиий сув ҳавзалари ва аквакультурада балиқларнинг гонадо ва гаметагенез хусусиятларини аниқлаш, балиқлар кўпаювчанлик функцияси кўрсаткичларининг балиқчилик жараёнларини таснифлайдиган биологик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини асослаш, мамлакатимиз балиқчилиги ривожи учун балиқлар кўпаювчанлик хусусиятларининг биологик асосларини очиб бериш ва истиқболли балиқ турларини ишлаб–чиқаришга жорий этиш илмий–амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2939 сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719–сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845–сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора–тадбирларида тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология, ва атроф – муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Овланадиган балиқлар кўпаювчанлик функциясининг шаклланиши ва сув ҳавзаларида балиқлар маҳсулдорлик кўрсаткичларини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Institute of Aquaculture and Protection of Waters (Чехия); Research Institute for Fisheries, Aquaculture and Irrigation (Венгрия); Departament of Fisheries and Marine Bioscience, Jessore Science and Technology University (Бангладеш); Departament of Fishery Science, Islamic Azard University (Эрон); Москва давлат университети ва Астрахан техника университети (Россия); Козоғистон Балиқчилик хўжалиги ИТИ (Козоғистон); Зоология институти (Ўзбекистон).

Турли географик минтақа сув ҳавзаларидаги балиқларнинг репродуктив

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ – 4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

[2]Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи http://www.works.doklad.ru, http://www.km.ru, http://www.dissercat.com, http://www.researechget.com, http://www.fundamental-research.ru, http://www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

хусусиятлари, популяцияларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва балиқчиликни ривожлантиришнинг самарадор биотехнология усулларини ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан, балиқ кўпайтириш турли тизимларида ота–она балиқлар тўдасини шакллантиришда наслчилик ишларининг усуллари аниқланган (Research Institute for Fisheries, Aquaculture and Irrigation, Венгрия); балиқ турлари кўпаювчанлик хусусиятлари аниқланган (Institute of Aquaculture and Protection of Waters, Чехия); мўътадил кенглик минтақасидаги балиқ турларининг репродуктив хусусиятлари очиб берилган (Institute of Ichthyobiology and Aquaculture, Польша); тропик шароитларда карпсимон балиқларни кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилган (Department of Fisheries and Marine Bioscience, Jessore Science and Technology University, Бангладеш); Department of Fishery Science, Islamic Azard University, Эрон); турли сув ҳавзаларидаги балиқларнинг репродуктив кўрсаткичлари ва маҳсулдорликлари ўртасидаги боғлиқлик исботланган (Москва давлат университети, Россия); истиқболли балиқ турларини селекцион танлаш меъёрлари ва наслчиликни ривожлантириш усуллари ишлаб чиқилган (Астрахан техника университети, Россия); мўътадил иқлим шароитида балиқлар кўпаювчанлик хусусиятининг географик ўзгарувчанлик кўрсаткичлари аниқланган (Қозоғистон Балиқ хўжалиги ИТИ, Қозоғистон).

Дунёда турли типдаги сув ҳавзаларидаги балиқларнинг репродуктив хусусиятларини бошқариш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: аквакультура самарадорлигини ошириш учун балиқ турлари репродуктив хусусиятларини бошқаришнинг технологик усулларини яратиш, ёпиқ сув хавзалари гидротермик режимини ўзгартириш орқали балиқлар маҳсулдорлигини ошириш, жуда юқори серпуштликка эга экологик гуруҳ вакилларини республика шароитига мослаштирган ҳолда балиқ маҳсулдорлигини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мўътадил кенглик минтақаси ички сув ҳавзалари балиқ турларининг репродуктив биологияси хусусиятлари бир қатор хорижлик олимлар (Selman,Wallace, 1989; Kottelat, Freyhof, 2007; Hailu, 2013) ишларида келтириб ўтилган. МДҲ мамлакатлари олимлари (Мейен, 1939; Дрягин, 1949; Персов, 1975; Турдаков, 1963; Максунов, 1968; Овен, 1976; Шакирова, 1980; Кошелев, 1984; Макеева, 1992) томонидан ички сув ҳавзаларидаги асосий овланадиган балиқлар репродуктив биологиясини ўрганишга катта эътибор қаратилган бўлиб, улар томонидан балиқларнинг жинсий вояга етиши, урчиш кўрсаткичлари ва серпуштлиги бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.Ўзбекистонда балиқ турлари биологиясининг тавсифи Ғ.Камилов (1973), Б.Хакбердиев (1983), А.Аманов (1985) ишларида ўз аксини топган. Бироқ юқоридаги тадқиқот ишлари сув ҳавзаларидаги балиқларнинг репродуктив биологияси ва уни балиқчилик тармоғидаги амалий аҳамияти бўйича маълумотларни ўзида тўлиқ акс эттирмайди. Шунга кўра, асосий овланадиган балиқ турларининг

репродуктив биологияси хусусиятларини аниқлаш асосида аквакультурада балиқларни кўпайтиришнинг истиқболли усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий–амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий–тадқиқот муассасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий–тадқиқот ишлари режасининг А6–ФА–0–14138 «Интенсив аквакультуранинг юқори маҳсулдор технологияларини балиқ ва бошқа гидробионтларни ирригация тизими сувларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқиш» (2012–2014), ПЗ–2014–0905180306 «Ўзбекистон учун интенсив аквакультуранинг янги истиқболли объектларини ўзлаштириш» (2015–2017), ПЗМВ–2016–0908182015 «Табиий сув ҳавзаларида турни сақлаш учун аквакультура услублари билан карп балиғини етиштиришни кўпайтиришнинг биологик асослари» (2017–2018) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида балиқчиликни ривожлантириш ва аквакультурада балиқларни кўпайтиришнинг истиқболли йўналишларини танлаш учун асосий овланадиган балиқ турларининг репродуктив биологияси хусусиятларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табиий сув ҳавзалари ва аквакультурада она балиқлар гонадо ва гаметагенез хусусиятларини ўрганиш;

серпуштликнинг мутлақ ва нисбий кўрсаткичларини она балиқлар кўпаювчанлик хусусияти сифатида аниқлаш;

она балиқларининг етилган икралари ўлчамларини ўрганиш;

кўпаювчанлик функцияси кўрсаткичларининг балиқчилик жараёнларини таснифлайдиган (танасининг ўлчами, балиқлар ёши, ўсиши) бошқа биологик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини асослаш;

Ўзбекистон балиқчилиги ва аквакультураси эҳтиёжларининг кейинги ривожи учун балиқлар кўпаювчанлик хусусиятларининг биологик асосларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти республикада ҳозирги вақтда балиқ овлаш ва балиқчиликнинг объектлари бўлган ўртача циклли турлар: а) табиий сув ҳавзаларида – карп (*Cyprinus carpio* L.), оқ дўнгпешона (*Hypophthalmichthys molitrix* (Valenciennes)), оқча (*Abramis brama* L.), кумуш товонбалиқ (*Carassiuss auratus* (L.)), оқ сла (*Sander lucioperca* (L.)), мойбалиқ (*Chalcalburnus chalcoides aralensis* (Berg.)), б) аквакультурада – карп, оқ дўнгпешона, шунингдек, республика учун янги тур – африка лаққаси (*Clarias gariepinus* Burchell) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети балиқларнинг ўлчамлари, ўсиши, гаметогенез ва оогенез кўрсаткичлари, мутлақ серпуштлик, нисбий серпуштлик, ишчи серпуштлик кўрсаткичлари, она балиқларнинг жинсий етилганлик коэффициенти, жинсий етилган ва ташланган икра ўлчамлари, балиқлар ўсиши, жинсий вояга етиши ва серпуштлигининг ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда балиқларни умумий биологик таҳлил қилиш, уларнинг ўсишини ретроспектив баҳолаш, ёруғлик микроскопи гистологик тадқиқот усули ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат;

илк бор табиий сув ҳавзалари ва ҳовузларда асосий овланадиган балиқлар урғочиси жинсий вояга етишининг тезлиги, урчиш олдидан жинсий вояга етган урғочи балиқларнинг етилганлик коэффициенти, мутлақ ва нисбий серпуштлиги, етилган ва ташланган икралар ўлчамлари аниқланган;

балиқлар репродуктив биологияси кўрсаткичлари гистологик таҳлил даражасида ретроспектив баҳолаш орқали балиқлар ўсиши билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

балиқлар популяциялари ва авлодлари репродуктив биологияси хусусиятларининг популяция ичидаги ўзгарувчанлиги қиёсий таҳлил натижасида очиб берилган;

балиқчилик хўжаликларида қўлланиладиган наслчилик ишларини ташкиллаштиришда турлар репродуктив имкониятларидан фойдаланиш, ёввойи тўдаларга таққослаганда, ота–оналар тўдасида тез жинсий вояга етишини ҳамда юқори–мутлақ ва нисбий серпуштликни таъминлаши исботланган;

гурухлар ичидаги ўзгарувчанликни аниқлаш мисолида карп ва оқ дўнгпешона балиқларининг республикада нисбатан тез жинсий етиладиган ва серпушт тўдаларини шакллантириши аниқланган;

ноанъанавий географик шароит ва муддатларда балиқларни сунъий урчитиш учун кўпайтириладиган балиқларни сақлаш шароитини бошқариш интенсив аквакультурани ривожлантиришда истиқболли эканлиги исботланган;

дарёлар оқимининг бошқарилиши ва замонавий балиқ овлаш шароитида овланадиган балиқ турларида жинсий вояга етишнинг меъёрда кечиши, аммо, балиқ овлаш тартиби балиқ популяцияларига сезиларли таъсир кўрсатиши очиб берилган;

дастлабки жинсий вояга етгунга қадар балиқлар гуруҳи авлодларида ўсиш ва жинсий вояга етишнинг турли–туманлигини намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

табиий сув ҳавзаларининг балиқ маҳсулдорлиги яйлов аквакультураси тартибини ўрнатиш орқали яъни, балиқ питомникларидан карп ва узоқ шарқ балиқлар чавоқларини доимий равишда сув ҳавзаларига ўтказиб туриш ва ов қуроллари тур катаклари ўлчамини максимал даражада катталаштириш орқали амалга ошириш исботланган;

балиқларни ёши бўйича танлаш меъёрларини киритиш орқали аквакультурада балиқларни суньий кўпайтиришни оптималлаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

балиқларнинг икра ташлайдиган лекин, наслини қуриқламайдиган жуда

юқори серпуштликка эга экологик гуруҳ вакилларидан янги объектларни танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

республикада сунъий кўпайтириш мақсадида интенсив аквакультура объектларинг янги истиқболли турларини танлаш усуллари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республикада овланадиган асосий балиқ турлари популяциялари асосида йиғилган материалларни лаборатория шароитида қайта ишланганлиги, олинган маълумотларни вариацион қаторлар статистикаси, корреляцион, регресцион таҳлил усулларидан фойдаланиб таҳлил қилинганлиги ҳамда натижаларни нуфузли ҳорижий нашрларида чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мўътадил иқлимнинг ўрта кенгликлари ва жанубий ҳудудларида кенг тарқалган овланадиган балиқларнинг репродуктив биологияси ва ўсиши хусусиятарини аниқланганлиги, балиқларни жинсий вояга етишида, серпуштлигида популяция ичи ва популяциялараро ўзгарувчанликни очиб берилганлиги, кўчириб келинган турларнинг ирригация қурилишлари натижасида пайдо бўлган янги шароитларга репродуктив мослашишининг асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув хавзаларида балиқ овлашни бошқариш ва балиқ етиштиришнинг самарадорлигини ошириш, балиқ етиштириш ҳажмини оширишга учун шароит яратадиган яйлов аквакультураси технологиясини ривожлантириш, балиқчиликда наслчилик ишларини сифатли даражада олиб бориш, серпуштлиги юқори ота–она балиқлар тўдасини шакллантириш асосида аквакультура маҳсулдорлигини кенгайтиришга ҳизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда овланадиган балиқ турларининг репродуктив биологияси хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

сув ҳавзаларида балиқлар она тўдасини шакллантириш асосида кичик сув ҳавзаларида балиқларни эрта етилишини таъминлаш ва юқори маҳсулдор тўдаларни шакллантириш бўйича амалий тавсиялар «Балиқтайёрловбизнес» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 02/026–13–сон маълумотномаси). Натижада карп балиғининг авлод бериши 65% га ошириш ва урғочи карп балиғидан ўртача 725 мингта икра олиш имконини берган;

республиканинг текислик сув ҳавзаларида яйлов аквакультураси технологиясини жорий қилишнинг биологик асослари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар «Аква–Тўдакўл» қўшма корхонаси амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 апрелдаги 07/563–сон маълумотномаси). Натижада сув ҳавзасидан балиқ овлашни йилига 180–200 тоннадан 1000–1650 тоннага ошириш имкони яратилган;

балиқчилик хўжаликларида балиқларидан сунъий насл олиш жараёнида қўлланиладиган гипофизли инъекция миқдорининг меъёрлари «Fish Leader»

МЧЖ амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 апрелдаги 07/563–сон маълумотномаси). Натижада африка лаққа балиғидан биринчи йили 200 мингдан ортиқ балиқ икраларини олиш имконини берган;

яйлов аквакультурасини режимини қўллаш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар «Қашқадарёбалиқсаноат» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 апрелдаги 07/563–сон маълумотномаси). Натижада сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини 1–5 кг/га дан 25–40 кг/га ошириш имконини берган;

республика учун аквакультуранинг янги тропик объекти – африка лаққасини кўпайтиришнинг биологик асослари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар «Fish Leader» МЧЖ амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 апрелдаги 07/563–сон маълумотномаси). Натижада илиқ сувларда бир цикл давомида 150–350 минг африка лаққаси чавоқларини етиштириш ва хўжаликлар рентабелликни йиллик 20–30% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 республика ва 8 халқаро илмий–амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 55 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 монография, 22 мақола, уларнинг 10 республика ва 12 хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 6 боб, хулосалар амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Ихтиологик тадқиқотларда кўпаювчанлик хусусиятларини ўрганиш»** деб номланган биринчи бобида чучук сув балиқларининг серпуштлик даражасини, гонадогенез, оогенез хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда овланадиган балиқ турларининг репродуктив биологияси хусусиятларини ўрганиш асослари»** номланган иккинчи бобида тўпланган материал ҳажми келтирилган. Балиқлар баҳорда овланди ва танасининг узунлиги тангача қоплами тугаган жойгача ўлчанди (SL, см), танасининг умумий оғирлиги (W, г), балиқлар жинси, жинсий вояга етиш босқичи ўрганилди. Балиқлар ёши ва ўсиши тангачалардан аниқланди. Гистологик препаратлар тайёрлаш учун намуналар олиниб, индивидуал мутлақ серпуштлик (ИМС, минг дона) аниқланди. Жинсий етилган ва ташланган икралар ўлчамини (мм) 100 дона тасодифий икраларни ўлчаб ўртачасини олдик. Жинсий вояга етиш коэффициенти (%) ҳисоблаб чиқилди. Жинсий вояга етган она балиқларнинг урчиш олдидан гонадо соматик кўрсаткичи (%), шунингдек, нисбий серпуштлиги аниқланди (икра/гр тана оғирлиги). Саноқ маълумотлари вариацион статистика усуллари ёрдамида

қайта ишланди (P<0,01). Бир қатор тажрибаларда ота–она балиқлар сақланаётган бассейнлар суви қишда иситилди.

«Ўзбекистон табиий шароитида балиқларнинг репродуктив биологияси хусусиятлари» деб номланган учинчи бобда овланадиган балиқ турлари бўйича тўпланган материаллар келтирилган.

Орол денгизидаги карп, *Cyprinus carpio L.*, (экологик инқироз натижасида йўқолиб кетган), республиканинг текислик қисми сув ҳавзаларида яшайди. Балиқчиликда ўстириладиган тур вакили карп деб, табиий сув ҳавзаларидаги вакили сазан деб аталади. Маданий шакли сунъий танлаш натижасида бир қатор белгилари (экстерьер кўрсаткичлари, юқори серпуштлик ва бошқалар) билан фарқ қилади ва барча балиқчилик хўжаликларида кўпайтирилиб, чавоғи мунтазам равишда сув омборларига, кўлларга саноат миқёсида овлаш ихтиофаунасини шакллантириш учун ўтказиб турилади. Ўтказилган балиқлар кўпаювчи тўдасини шакллантира олди. Табиий шароитда маданий вакили рақобатга бардош беролмайди деб тахмин қилишимиз мумкин эди, амалиётда эса баланд елкали карп балиғи сув ҳавзасига ўтказилиши билан у ердаги танаси чўзинчоқ табиий вакили йўқолиб кетди. Афтидан, сунъий танлаш натижасида эрта жинсий вояга етадиган карп балиқлари барвақт урчиш жойларига чиқиб у ерни банд этган, чавоқлари эса у ердаги табиий озуқа базасини еб тугатган.

Чорвоқ ва Таллимаржон сув омборларидаги карп балиғи ўрганилди. Чорвоқ сув омборидаги карп авлодлари турли ёшида ўсиш суръати бўйича фарқ қилмади (1–жадвал). 1980 йилларда сув омборига карп балиғи ўтказилган, кейинчалик ўтказилмаган. Биз сув омборида шаклланган тўдаларни таҳлил қилдик. Таллимаржон сув омборига мунтазам равишда ҳар йили балиқчилик хўжаликларидан карп чавоқлари ўтказилади ва уларнинг ўлчамлари йиллар бўйича бир–биридан фарқ қилади, бу ҳолат авлодларнинг дастлабки йиллардаги ўсиш суръати фарқи натижасида келиб чиққан.

Карп Чорвоқ сув омборида саноат миқёсида овланмайди, Таллимаржон сув омборида эса саноат миқёсида овланади, ушланган балиқлар орасида 30 см узунликкача бўлган балиқлар учрасада дастлаб жуда тез ўсувчи балиқлар яъни 4 – 5 ёшда балиқлар тўдасининг деярли барчаси тўлиқ овланади.

1–жадвал

Ўзбекистоннинг ўрганилган сув ҳавзаларида карп балиғининг ўртача ўсиш суръати

Сув ҳавзаси	*Танасининг узунлиги (SL) йиллар бўйича, см*			
	1	*2*	*3*	*4*
Чорвоқ сув омбори	12,4	22,2	29,3	38,3
Таллимаржонсув омбори	16,8	27,8	39,8	47,6
Балиқчилик хўжаликлари	17,7	25	37,4	50,5

Икки типдаги сув омборларидаги карп балиғининг ўсиши таққослаганда жанубий Таллимаржон сув омборида ўртача ўсиш суръати юқори эканлиги аниқланди. Балиқчилик хўжаликларида эса ҳаётининг биринчи иккинчи йилларида барча авлод вакилларида бир хил, фақат учинчи ва тўртинчи йили ота–оналар тўдаси бир мунча тез ўсади.

Чорвоқ сув омборида карпнинг барча вакиллари ҳаётининг дастлабки икки йилида гонадалари (жинсий маҳсулоти) жинсий вояга етишнинг I босқичида бўлади. Фақат 2 ёшли балиқларнинг айримларида жинсий вояга етишнинг II босқичини ҳам кузатиш мумкин, бундай балиқлар 25 – 26 см узунликка эга.

3 ёшли карпларда жинсий вояга етиш тезлигида сезиларли даражадаги фарқ пайдо бўлади. Бир қисм, энг майда балиқлар (узунлиги 25–29,5 см, оғирлиги 355–535 г) жинсий ривожланишнинг I босқичида қолади. 3 ёшли она балиқларнинг катта қисмида гонадалари етилишнинг II босқичида бўлади ва уларнинг узунлиги 26–37 (ўртача 29) см, танасининг оғирлиги 360–1100 (ўртача 510) г. Улар ярмининг катталиги жинсий етилишнинг I босқичида бўлган балиқлар ўлчамига тенг. Кўриниб турибдики, жинсий етилишнинг I босқичидан II босқичига ўтиши муайян бир ўлчамга эришиш билан унчалик кучли боғлиқ эмас. Бир ўлчамдаги балиқлар орасида жинсий етилишнинг II босқичидаги балиқлар, ювенал (жинсий етилиш бошланмаган) босқичдаги балиқларга нисбатан ҳаётининг биринчи йилида яхши ўсган. 3 ёшли балиқлар орасида жинсий етилишнинг III босқичига ўтган кам сонли вакиллари ҳам пайдо бўла бошлайди ва улар бу ёш гуруҳида энг катта балиқлардир.

4 ёшли она балиқлар гонадаси жинсий вояга етишнинг турли босқичида бўлади. Бир дона балиқ жинсий етилишнинг ювенал босқичда бўлиб, ушбу ёшнинг 10% и жинсий етилишнинг II босқичида, қолган 90% балиқлар жинсий вояга етган эди (IV босқич). Нисбатан ривожланган гонадалар йирик (тез ўсувчи) балиқларда кузатилди, ушбу ёш гуруҳидаги жинсий вояга етган она балиқларнинг узунлиги 40 см ва ундан катта ҳамда танасининг оғирлиги 1300 г ва ундан юқори эди. 5–ёшдан ўтган барча балиқларнинг жинсий вояга етганлиги кузатилди.

Таллимаржон сув омборида бир ёшли урғочи балиқлар гуруҳидаги барча балиқлар жинсий етилишнинг I босқичида эканлиги аниқланди.

2 ёшли урғочи балиқларнинг бир қисми жинсий етилишнинг I босқичида, қолган қисми II босқичда эди. Жинсий етилишнинг I босқичида бўлган балиқларнинг узунлиги 21–31 см, танасининг умумий оғирлиги 390–825 г, етилишнинг II босқичида бўлган балиқларнинг узунлиги 26–32,5 см, танасининг оғирлиги эса 450–1010 г ни ташкил қилди.

3 ёшли балиқларнинг бир қисми баҳорда биринчи марта жинсий вояга етган бўлиб, жинсий етилишнинг IV босқичида, қолган қисми эса ҳали ҳам жинсий етилишнинг II босқичида эди. Нисбатан йирик, тез ўсувчи балиқлар жинсий вояга етган. Барча жинсий вояга етган балиқлар йирикроқ, узунлиги 32–33 см, жинсий етилишнинг II босқичида бўлган балиқларнинг узунлиги 26–28 см эканлиги аниқланди.

Таллимаржон сув омборидаги 4 ёшдаги барча урғочи балиқлар жинсий вояга етган эди, уларнинг узунлиги 51–61 см, оғирлиги 3400–4560 г ни ташкил қилади. Айдар–Арнасой кўллар тизимида урғочи карп балиқлари биринчи марта 3 ёшида жинсий вояга етади. Урчишга чиққан балиқлар

тўдаси (3–5 ёшдаги урғочи балиқлар) узунлиги 48,5–62,5 см, танасининг умумий оғирлиги 2150–5200 г бўлди. Жинсий вояга етган балиқлар жинсий маҳсулоти (гонадасининг) оғирлиги бевосита урчиш олдидан 160–603 (ўртача 307,9) г, индивидуал мутлақ серпуштлиги 228,2–574,1 (ўртача 381,6 минг дона икра) ташкил қилди. Нисбатан йирик балиқлар кўпроқ гонадага (r_{SL-q} = 0,61; r_{W-q} = 0,62) ва катта мутлақ серпуштликка ($r_{SL-имс}$= 0,58; $r_{W-имс}$ = 0,57) эга эди. Карп билиқларининг индивидуал нисбий серпуштлиги 85,6–176,5 (ўртача 124,4) дона икра/г тана оғирлиги ни ташкил қилди.

Оқ дўнгпешона, *Hypopthalmichthys molitrix (Val.),*Тошкент вилояти сунъий балиқ ҳовузларига 1960 йилларда Узоқ шарқдан олиб келинган, ҳовузлардан Сирдарё ўзанига ўтган, аммо асосан кўллар ва сув омборларида, чавоқларини ёппасига ўтказиш орқали тарқалган. Сирдарёда оқ дўнгпешонанинг кўпаядиган тўдаси шаклланган (яйлов сув ҳавзаси дарёнинг ўзанида жойлашган Чордара сув омбори, урчиш жойи Сирдарё ўзанининг Фарҳод тўғонигача бўлган қисми). Сирдарёда ота–она балиқлар тўдасининг урчиш миграцияси сув ҳароратининг 13–16°С кўтарилиши ва баҳорги тошқинлар оқибатида дарё суви сатҳининг кўтарилишига боғлиқ. Кўпайиш учун кўтарилаётган балиқлар тўдасида 3–10 ёшгача, асосан 5–7 ёшдаги балиқлардан ташкил топганлиги ва бу тўдадаги балиқларнинг жинслар нисбати 1:1 га яқинлиги кузатилган.

Сирдарёда оқ дўнгпешонанинг ўсиш суръати анча тез (2–жадвал) ва балиқчилик хўжаликлардаги ота–она балиқлар тўдасидан сезиларли тарзда зиёд.

Сирдарёнинг ўрта оқимида 3–4 ёшида, эркакларининг узунлиги 50–55 см ва тана оғирлиги 4000 г, урғочиларининг тана узунлиги 54–59 см ва оғирлиги 5000 г етганда жинсий вояга етади.

2–жадвал.

Тошкент вилояти балиқ питомниклари ва Сирдарёдаги оқ дўнгпешона балиқларининг ўртача ўсиш суръати

Сув ҳавзаси	*Танасининг узунлиги (SL) йиллар бўйича, см*							
	1	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*	*7*	*8*
Сирдарё	23,6	40,7	52,7	69,9	81,4	86,7	91,5	96,0
Сунъий балиқчилик ҳовузи	17,6	34,6	53,9	60,4	65,2			

Гонадосоматик кўрсаткичи бевосита урчиш олдидан 5,0 –29,7 % катталикка етади ва танасининг ўлчамидан қатъий назар ($r_{SL-гси}$= 0,29;$r_{w-гси}$=0,18) оралиғида ўзгариб туради.

Жинсий етилишнинг IV босқичида бўлган урғочи балиқлар гонадасининг оғирлиги 250 – 6000 г оралиғида, индивидуал мутлақ серпуштлиги (ИМС) 299–5400 дона икрадан иборат. Серпушт балиқлар ўлчами билан ижобий боғланган, ва бу боғлиқлик қуйидаги регрессион тенглама ёрдамида таснифланади: ИМС = 0,0027 * $SL^{3,0739}$ ($r_{SL-имс}$ = 0,67); ИМС = 0,2861 * W – 1361 ($r_{W-имс}$ = 0.82) (ИМС – минг дона икра, SL см да, W – г да).

Урғочи оқ дўнгпешона балиқлар индивидуал нисбий серпуштлиги (ИНС) – 79–392,3 икра/г тана оғирлиги. Бу кўрсаткич ҳам балиқ ўлчамларидан қатъий назар ўзгариб туради ($r_{SL–инс}$ = 0,21, $r_{w–инс}$= 0,19).

Оқча, *Abramis brama L.,* республиканинг текислик қисмидаги сув ҳавзаларига Урал дарёсидан олиб келинган.

Таллимаржон сув омборида жуда юқори ўсиш суръатига эга. Урғочилари биринчи йили жинсий етилишнинг I босқичида бўлиб, 2–3 ёшли урғочи балиқларнинг жинсий етилишида сезиларли даражадаги фарқ кузатилади. Баҳорда 27 см узунликдаги ва танасининг оғирлиги 480 г урғочи балиқлар жинсий етилишнинг II босқичида гонадаларнинг борлиги аниқланди. Гонадаларининг оғирлиги 53 г. Нисбатан йирик урғочи балиқлар (демак, нисбатан тез ўсувчи вакиллари) биринчи марта жинсий вояга етган эди. Шундай қилиб, оқча балиғининг жинсий вояга етиши муайян сув ҳавзасидаги балиқлар ўсиш суръати билан ижобий боғланган бўлиб 27 смдан ошганда барча урғочи балиқлар жинсий вояга етади.

Узунлиги 27 – 52 см ва оғирлиги 480 – 3310 г бўлган урғочи балиқларнинг мутлақ серпуштлиги бир-биридан кескин фарқ қилади. (3–жадвал), мутлақ серпуштлик ва балиқ ўлчамлари билан кучли ижобий боғланган: ($r_{SL–имс}$ = 0,92;$r_{w–имс}$= 0,92), бу регрессион тенглама билан ишончли таснифланади: ИМС = 32,6*SL–945,5; ИМС = 970,2 * lgW – 276,4.

3 – жадвал.

Ўзбекистоннинг жанубий сув омборлари урғочи оқча балиқларининг кўпаювчанлик хусусияти кўрсаткичлари (чегаралар/ўртача)

Сув ҳавзаси	*SL, см*	*W, г*	*q,г*	*ИМС, минг. дона*	*ИНС, дона/г*	*ЖЕК., %*
Таллимаржон сув омбори	27–53 38,4	482–3310 1496	54–763 266,6	83,8–772,0 308,5	112–451,2 251,2	6,8–27,3 16,3
Жанубий Сурхон сув омбори	22,5–41,1 27,7	225–1440 474	20–226 62,8	22,2–193,0 58,8	74–242 155,6	6,3–19,1 12,9
Учқизил сув омбори.	21,3–33,1 24,3	206–824 319	15–135 41,3	11,1–123,1 39,2	54,1–233,7 149,0	6,4–19,3 12,7

Узунлиги 39–40 см, оғирлиги 1500 гр бўлган балиқлар индивидуал нисбий серпуштлик кўрсаткичи тана ўлчамлари билан ўзаро ижобий боғлиқликка эга ($r_{SL–инс}$ = 0,60; $r_{w–инс}$= 0,57, кейинчалик бу кўрсаткич танасининг ўлчамларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгариб туради.

Жинсий вояга етган урғочи балиқлар жинсий вояга етганлик коэффициенти урчиш олдидан ўзининг максимал даражасига етади. Узунлиги 39 см бўлган балиқлар ушбу кўрсаткичининг балиқ ўлчамлари билан ижобий боғлиқлиги кузатилган ($r_{SL–K}$ = 0,70; $r_{w–K}$ = 0,69), нисбатан йирик балиқларда кўрсаткич балиқ ўлчамларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгариб туради.

Оқча балиғи икраларининг катталиги (ўлчами) балиқлар тана ўлчамларига боғлиқ эмас.

Жанубий Сурхон сув омборида урғочи балиқлар узунлиги 22,5–27 см, танасининг оғирлиги 225–280 г га етганда жинсий вояга етади, яъни Таллимаржон сув омборидагилардан кичикроқ. Жанубий Сурхон сув омборида оқча балиғининг мутлақ серпуштлиги 22,2–193,0 (58,8 %) минг дона. Бу ерда ҳам балиқ ўлчамлари билан ижобий боғлиқлиги аниқланган: ИМС=6,989*SL–133,03($r_{SL–имс}$=0,91), ИМС=0,137*W–3,843 ($r_{W–имс}$=0,92). Нисбий серпуштлик 74–242 (115,6) дона икра/г тана оғирлиги, кўрсаткичи балиқ тана ўлчамлари билан боғлиқлиги ишончли эмас. Жинсий етилганлик коэффициенти урчиш даврига яқин 6,3–19,1 га тенг бўлади.

Учқизил сув омборида – урғочи балиқлар узунлиги 21–22 см, оғирлиги 206–210 г га етганда жинсий вояга етади. Мутлақ серпуштлик 11,1 – 123,1 (39,2) минг донани ташкил қилиб, балиқлар тана ўлчами билан кучли боғланган: ИМС=6,9*SL–128,4 ($r_{SL–имс}$=0.91), ИМС=0,164*W–13,08 ($r_{W–имс}$=0,92).

Нисбий серпуштлик 54,1–233,7 (149) дона икра/г тана оғирлиги, бўлиб балиқлар ўлчамидан қатъий назар ўзгариб туради.

Амударё ҳавзасида бир–бирига яқин жойлашган сув омборларида яшаётган бўлсада оқча балиғи репродуктив биологиясида популяциялараро хилма хиллик аниқланди. Оқча балиғининг урғочилари текисликдаги Таллимаржон сув омборида тоғ олди Жанубий Сурхон ва Учқизил сув омборларига нисбатан тезроқ жинсий вояга етиб, юқори серпуштликка эга, қолган икки сув омборда кўрсаткичлар бир–бирига яқин.

Оқ сла балиғи, *Sander(=Stizostedion) lucioperca (L.),* Ўзбекистоннинг текислик сув ҳавзаларига Урал дарёсидан келтирилиб иқлимлаштирилган. Оқ сла балиғининг урчиши қиш охири – эрта баҳорда бўлиб ўтади. Урғочи оқ сла балиқлари Сурхондарё ҳавзасидаги Жанубий Сурхон сув омбори ҳавзасидагида 3 ёшида, танасининг узунлиги 29 см ва оғирлиги 600 г га етганда жинсий вояга етади, бироқ жуда тез ўсувчи вакиллари 2– ёшлик даврида жинсий вояга етиши мумкин. Кўпайиш учун урчиш жойига чиққан балиқлар тўдаси 2–6 ёшдаги, танасининг узунлиги 29,3–60 (45,1) см, оғирлиги 600–3070 (1498) г бўлган балиқлардан ташкил топган.

Оқ сла балиғининг Жанубий Сурхон сув ҳавзасидаги индивидуал мутлақ серпуштлиги 81,0–551,4 (188,9) минг дона. Нисбатан йирик ва ёши катта балиқларнинг серпуштлиги юқори ($r_{Sl–имс}$ = 0,88; $r_{w–имс}$= 0,91). Боғлиқлиги тўғри чизиқли регрессия тенгламаси билан таснифланади: ИМС=142,7*w – 24800 (w – г, ИМС – дона/икрада).

Индивидуал нисбий серпуштлик 100 – 218 (145) дона икра/гтана оғирлиги ва балиқ ўлчамларидан қатъий назар ўзгариб туради. ($r_{Sl–инс}$ = 0,02; $r_{w–инс}$= 0,04). Оқ сла балиғининг етилган икралари диаметри урчиш олдидан 0,73 – 1,03 (0,92) ммни ташкил қилади. Бу кам ўзгарувчан кўрсаткич (тўдадаги вариация коэффициенти– 7 %). Гонадо–соматик кўрсаткичи урчиш олдидан 7,2 – 16,2 (10,5) % га тенг. Кўрсаткич балиқлар ўлчами ва ёшидан қатъий назар ўзгариб туради ($r_{Sl–гск}$ = 0,41; $r_{w–гси}$= 0,38).

Кумуш товонбалиқ , *Carassius auratus (L.)*, Амударё ва Сирдарё қўйи оқимларида яшаган шунингдек, Тошкент вилояти балиқчилик хўжаликларига

1950 йилларда Москва вилоятидан келтирилган. Балиқчилик хўжаликларида кумуш товонбалиқ кўпайтириш объекти даражасига етмади, аммо хашаки балиқ сифатида яшаб қолди, ҳамда карп балиғи чавоқлари билан тасодифан республиканинг кўплаб балиқчилик хўжаликларига, кўлларга ва сув омборларига тарқаб кетган.

Кумуш товонбалиқни Фарғона водийси, Сурхондарё, Тошкент вилояти балиқчилик хўжаликларида ва Сирдарёнинг ўрта оқимида табиий тўдасини ўргандик.

Тошкент вилояти балиқчилик хўжаликларидаги кумуш товонбалиқнинг ўсиши қуйидагича бўлди: SL_1 = 6,8 – 8,8 см, SL_2 = 10,2 – 12,2 см; SL_3 = 13,9 – 15,1 см. Сирдарёнинг ўрта оқимидаги табиий эркинлик шароитидаги табиий тўдасининг ўсиши анча тез эканлиги ўзига эътиборни қаратади: SL_1 = 9,8–11,1 см, SL_2 = 15,1 – 22,2 см; SL_3 = 24,9 – 27,2 см. Кумуш товонбалиқнинг кўллар ва сув омборларида кўп овланадиган балиқлигини унинг бу жойларда нисбатан юқори ўсиш суръатига эга эканлиги билан изоҳласа бўлади.

Ҳаётининг биринчи йили балиқчилик хўжаликларида узунлиги 5–6 см ва дарёда 7–8 см бўлган барча урғочи балиқлар августнинг иккинчи ярми–сентябрь ойининг бошида жинсий вояга етишнинг II босқичида эди, бир йиллик балиқлар (иккинчи йили баҳорда) гонадалар ҳам II босқичда бўлсада анча ривожланган ҳолатда эди. Урғочи балиқлар гонадаси жинсий вояга етишнинг III босқичига иккинчи йилнинг кузида, ҳам балиқчилик хўжаликларида, ҳам дарёда ўтади. Шу билан бирга дарё балиқлари ўзлари билан бир хил ёшдаги ҳовуз балиқларига нисбатан сезиларли даражада йирик бўлади. Баҳорда 2 ёшли кумуш товонбалиқнинг урғочилари дарёда ҳам балиқчилик хўжаликларида ҳам жинсий вояга етишнинг IV босқичидаги гонадаларга эга эди. Биринчи марта жинсий вояга етганда уларнинг узунлиги ҳовузларда 8,0–12,2 см ва оғирлиги 16–84 гр, дарёда эса узунлиги 18–22,2 см, оғирлиги 101–301,5 г бўлади. Республикамиз географик шароитида турнинг жинсий вояга етишнинг II босқичидан III босқичига ўтиши кузда 13–15 см стандарт узунликка етганда содир бўлади деб тахмин қилишимиз мумкин, бироқ кумуш товонбалиқ Сирдарёда биринчи йилда бундай ўлчамга етиша олмайди шунинг учун, ҳовуз балиқларига нисбатан тез ўсиши ҳам мазкур турнинг эрта жинсий вояга етишини таъминлай олмайди.

Балиқчилик хўжаликларида урчиш учун чиққан тўдалар эркак ва урғочиларининг жинс нисбати 6–8:1, дарёда эса 3–4:1 ни ташкил қилади. Кумуш товонбалиқ урғочиларининг гонадо–соматик кўрсаткичи бевосита урчиш олдидан балиқчилик хўжаликларида 2,9 – 25 %, Сирдарёда эса 6,8 – 23,2 % ни ташкил этади.

Балиқчилик хўжаликларида мутлақ серпуштлик 1,4 – 51,3 минг дона оралиғида бўлади, шу билан бирга ҳар бир балиқчилик хўжалиги учун мутлақ серпуштлик катталигининг балиқ ўлчамлари билан боғлиқлиги аниқланди (масалан, «Балиқчи» регрессия тенгламаси мос келади ИМС = $0{,}0004 * SL^{4,271}$; $r_{SL-имс}$ = 0,96). Сирдарёдаги табиий ҳолдаги урғочи балиқлар нисбатан юқори мутлақ серпуштликка эга: 9,2 – 91,4 (ўртача 46,12) минг

дона. Мутлақ серпуштлик ҳам урғочи балиқ тана ўлчамлари билан ижобий боғлиқликка эга: ИМС = 2,009 * $SL^{-3,143}$ ($r_{SL–имс}$ = 0,53).

Нисбий серпуштлик балиқчилик хўжаликларида 85,4 – 540,2 дона/г, дарёда – 21-590 дона/г ни ташкил қилади ва барча тўдаларда балиқ тана ўлчамларидан қатъий назар ўзгариб туради (Бешариқ балиқчилик хўжалигида: $r_{SL–инс}$ = 0,29; $r_{W–инс}$ = 0,19).

Вояга етган икралар ўлчами. Бешариқ балиқчилик хўжалигида балиқлар бир вақтда жинсий вояга етиши аниқланди, бошқа балиқчилик хўжаликларида ва дарёда порцион жинсий вояга етиш кузатилди. Биринчи порциядаги икралар ўлчами 0,88 – 1,18 мм, кўрсаткич балиқ ўлчамидан қатъий назар ўзгариб туради («Балиқчи»да: r_{SL-d1} = 0,22 $r_{W–d1}$ = 0,23).

Орол мойбалиғи, *Chalcalburnus chalcoides aralensis* (Berg), Орол денгизи ҳавзасида тарқалган. Зарафшон дарёси сув ҳавзаларида мойбалиқ 11–15 см узунликда, Амударё сув ҳавзасида балиқларнинг ўсиши юқори, танасининг узунлиги 17–18 см га етганда жинсий вояга етади. Мутлақ серпуштлик 19,85–129,76 (60,44) минг дона. Нисбатан йирик бўлган балиқларда кўрсаткич юқори ($r_{SL–имс}$ = 0,72; $r_{w–имс}$= 0,73): ИМС=5,04*SL–91,34; ИМС=1,43+0,17*w.

Нисбий серпуштлиги 94,0–299,2 (157,5) дона/г тана оғирлиги; кўрсаткич тана узунлигига боғлиқ эмас. ($r_{SL–инс}$ = 0,09) ва оғирлиги ($r_{w–инс}$= 0,10)балиқ. Ота–она балиқлар етилганлик коэффициенти 11,1–16,2 (13,35) % ни ташкил қилади ва тўдада балиқлар тана узунлигидан қатъий назар ўзгариб туради ($r_{SL–K}$ = 0,07; $r_{w–K}$=0,17). Етилиши порцион, трофоплазматик ўсиш ооцитлари баҳорда 0,69 – 1,55 мм ўлчамга эга , шу билан бирга биринчи порция икраларининг ўлчами 1,2 – 1,55 (1,38) мм. Сони бўйича биринчи порция 17,7–81,72 (40,04) минг дона (43,1–85,2 (63,3) % бутун мутлақ серпуштликдан). Иккинчи порция икралар сони 4,68 – 44,22 (24,17) минг дона икра. (14,8 – 56,9 (37) %).

Тўртинчи боб «**Балиқчилик сунъий шароитларида балиқлар репродуктив биологияси хусусиятлари»** деб аталган ва унда республика ҳовуз балиқчилиги асосий объектларини айнан, ота–оналар тўдасини шакллантириш шароитида ўрганиш натижалари келтирилган.

Карп. Бир ёшли даврида сунъий ҳовуз шароитларида узунлиги 8–25 см ва тана оғирлиги 24–250 г ҳамда жинсий вояга етишнинг I ва II босқичидаги гонадаларга эга бўлади. Шу билан бирга узунлиги 15 смгача бўлган балиқларда I босқичдаги, нисбатан йирикларида эса II босқичдаги гонадалар учрайди.

Икки ёшли балиқлар. Айрим балиқларнинг гонадалари жинсий вояга етишнинг I босқичида, айримларида эса II босқичида бўлади ва турли хўжаликларда ва турли йилларда уларнинг нисбати фарқ қилади ҳамда мос равишда 20% – 80% дан 53 – 47% ни ташкил қилади. Барча ҳолатларда бир ёш гуруҳидаги узунлиги 13–21 см бўлган энг майда балиқларда гонадаси кам ривожланган бўлади, шу билан бирга 17–33 см узунликка эга бўлган балиқларда ҳам II босқичдаги , аммо нисбатан йирик гонадалар аниқланди.

Уч ёшли балиқлар. Балиқчиликда бу ёш гуруҳидаги карп балиқларни

балиқчилик хўжаликларида фақат ота–она балиқлар тўдасини шакллантириш учун қолдиришади ва биз уларни таҳлил қилдик. Шунингдек, секин ўсувчи карпларни оқова каналлардан ушладик. Шундай қилиб, биз турли хилдаги балиқларни йиғиш имконига эга бўлдик. 12,5% гача балиқлар жинсий вояга етишнинг I босқичида эди, II босқичдаги балиқларнинг улуши катта бўлиб – 35–41,7 % ни ташкил қилди ва бир қисм балиқлар биринчи марта жинсий вояга етганлиги кузатилди, III–IV босқичдаги ва айнан IV босқичдаги балиқлар шу ёш гуруҳидаги балиқларнинг – 39 – 45,8% ни ташкил қилди. Шу билан бирга I босқичдаги гонадага эга бўлган урғочи балиқларнинг узунлиги 20–24 смгача, II босқичдаги– 17–36 смгача, III–IV босқичдагилари эса – 32 см ва ундан каттани ташкил қилди.

Тўрт ёшли балиқлар. Оқова каналлардан ушланган 4–ёшли карпнинг секин ўсувчи вакиллари билан бир қаторда узунлиги 28–87см бўлган вакиллари ҳам учрайди. Каналлардан ушланган узунлиги 34 см дан кам бўлган балиқларда жинсий вояга етишнинг II босқичида бўлганлари (10–20 % турли йилларда) ҳам бор эди. 4–ёшли урғочи балиқларнинг асосий қисмида (80–90%) жинсий вояга етишнинг III – IV ва IV босқичидаги гонадалар бўлиб, танасининг узунлиги 35 см ва ундан катта балиқлардан ташкил топган бўлиб улар балиқлар ота–она тўдасини шакллантирган эди.

5 ёш ва ундан катта ёшдаги балиқларнинг барчаси жинсий вояга етган бўлади.

Мутлақ серпуштлик. Карп – полицик, порцион урчийдиган балиқ. Балиқчилик илмий–тадқиқот институти тажриба базасидаги балиқларни таҳлил қилдик, у ерда карпнинг ўсиши учун жуда қулай шароит яратилган, шу сабабли бу хўжаликда тез ўсувчи вакиллари 2 ёшда жинсий вояга етади. Балиқлар серпуштлигига уларнинг экстерьер белгилари, у ёки бу синфга, у ёки бу насл гуруҳига мансублиги таъсир кўрсатмайди. Карп қимматбаҳо балиқ бўлганлиги сабабли ҳам балиқчилик хўжаликларида уларни ёриб кўриш учун (бу уларнинг товар қийматини пасайтиради) олиш қийин. Биз танлаб олган 2–4 ёшдаги урғочи балиқлар мутлақ серпуштлиги 126-598 минг донани ташкил қилди.

Индивидуал мутлақ серпуштлик нисбатан катта балиқларда янада юқори (2–расм): $ИМС=0,0033*SL^{3,116}$(r = 0,7); $ИМС=0,186*W^{1,01}$ (r=0,7), бунда, SL смда, W – г да, ИМС – минг дона икра.

Урғочиларининг нисбий серпуштлиги 190,5 – 344,0 (ўртача 222,4) икра/г тана оғирлиги ва балиқлар ёшига ҳамда танасининг оғирлигига боғлиқ эмас.(корреляция коэффициенти мос равишда – 0,1 ва 0,3).

Икралар етилишининг порционлиги. Жинсий вояга етган урғочи балиқлар гонадасидаги трофоплазматик ўсишдаги икралар ўлчами март апрель ойларида 0,30–1,27 мм га тенг. Ооцитлар ўлчамининг эгри тақсимланиши икки чўққига эга: диаметри 0,30–0,90 мм, бўлган майда хужайралари ва нисбатан катта – 0,91–1,37 мм икралар. Баҳорда икралар ўлчами бўйича биринчи порция икраларини ажратиш жуда осон, қолган порцияларни ажратиб бўлмайди.



2 –расм. Карп урғочи балиқлари мутлақ серпуштлигининг (ИМС, минг дона) тана узунлигига боғлиқлиги (назарий ва эмпирик эгрилик кўрсатилган).

Нисбатан катта ўлчамдаги икраларни биринчи порция деб қабул қилдик (материалларни йиғиш урчиш мавсуми олдидан амалга оширилди), биринчи порциядаги икралар сонини аниқладик. Биринчи порциядаги икралар ўлчами (бп, % да) мутлақ серпуштлик кўрсаткичига нисбатан кенг доирада ўзгариб турди: 1 – 95 %; биринчи порциядаги икралар сони 1,3–401,0 минг дона икра. Биринчи порциядаги икралар улуши ва сони нисбатан йирик балиқларда юқори. (3–жадвал).

Ишчи серпуштлик. “Балиқчи” балиқчилик хўжалигидаги 3–8 ёшдаги балиқлар узунлиги 47–80(60,1) см, танасининг оғирлиги 2000–11000 (5150) г бўлган ота–оналар тўдасини бевосита кўпайтириш жараёни олдидан текширдик. Урғочи балиқлар 200–1600 (650) мл икра беришди, уларнинг ишчи серпуштлиги 80–1030 (378) минг донани ташкил қилди. Серпуштликнинг тана ўлчамлари билан боғлиқлигини кўрмадик. ($r_{SL–ис}$= 0,25).

4– жадвал.

Урғочи карп балиқлари кўпаювчанлик кўрсаткичларининг тана ўлчамлари билан корреляция коэффициенти

Ёши, йил	Корреляция коэффициенти						
	SL–имс	SL–инс	SL–мс1	SL–бп	W–имс	W–инс	W–мс1
3	0,99	0,01	0,78	0,68	0,90	–0,03	0,83
4	0,63	0,04	0,69	0,59	0,74	0,01	0,77
Барча тўда	0,84	–0,03	0,88	0,60	0,87	–0,01	0,86

Ташланган (овуляция) икралар ўлчами. Танланган 120 дона урғочи карп балиқлардан олинган етилган икралар ўлчами аниқланди, икралар индивидуал ўлчамининг тарқалиш характеристикаси меъёрга яқин, икралар диаметрининг вариация коэффициенти 2,7–7,4 (3,55)%, яъни кам ўзгарувчан. Айрим урғочиларида икраларнинг минимал индивидуал ўлчами 1,09–1,4, максимал – 1,4–1,73 мм, ташланган икраларнинг ўлчами 1,32 – 1,52

(ўлчами1,41) мм. Умуман олганда, икралар ўлчами кам ўзгарувчан кўрсаткич бўлсада турни таснифлайди.

Муайян ҳароратни сақлаб туриш орқали балиқларни мавсумдан ташқари яъни кузда урчитишни рағбатлантириш (стимуллаштириш). Ўзбекистон шароитида илиқ сув балиқларининг вегетация даври апрель ойидан бошланади, карп балиғининг урчиш мавсуми эса май ойидан бошланади, шу сабабли ҳам бизда карп товар балиқлари 2 йил давомида етиштирилади. Карп балиғини эрта урчитиш технологиясини ривожлантириш жуда фойдали. Биз тажриба тариқасида сувни иситадиган қурилма яратдик, исиган сув 3та ҳар бири 3м^3 ҳажмли бассейнга ва инкубация аппаратларига ташланди. 2002 йил март ойининг бошида. 10 дона урғочи ва 10 дона эркак балиқни сараламасдан олдик ҳамда бассейнларга жинси бўйича ажратиб ташладик. 20 кун давомида сув ҳароратини аста–секинлик билан (1°С/кун) кўтариб, 7–11°С дан жинсий етилиш учун етарли бўлган 20°С етказдик. Жинсий етилишни стандарт усулда гипофизар инъекцияни урғочи балиқларга икки марта ва эркакларига бир марта юбордик ва жинсий етилган икраларни олиб, уруғлантириб, аппаратларга жойлаштирдик. Ҳовузлардан олинган (яъни илиқ сувда сақланмаган) балиқлардан назорат кўрсаткич сифатида фойдаландик.

Тажриба партияси оғирлиги 2,8–4,0 кг (3,55 кг) бўлган 8 дона урғочи карп балиқларидан ва оғирлиги 2,0–3,4 (3,07) кг бўлган 7 дона эркак балиқлардан иборат эди. Балиқларни ҳарорати 20°С бўлган сувда ушлаб 5–куни (8 апреля) урғочи балиқларга дастлабки инъекцияни 0,5 мг/кг миқдорида бердик. Инъекция кундуз куни соат 12–00 да қилинди. Ҳал қилувчи инъекция (3,5 мг/кг) ва эркакларига (0,5 мг/кг) миқдорда 9 апрель куни мос равишда соат 1–00 ва 00–00 да ўтказилди. 9 апрель куни соат 12–00 да 4 та урғочи балиқдан 500 гр икра олинди. Қолган урғочи балиқлар икра бермади, уларга яна (0,5 мг/кг) миқдорда инъекция қилинди. 9 апрель куни соат 23–30 да урғочи балиқларда “никоҳ уйинлари” кузатила бошланди, эрталаб (соат 5–00) шу урғочи балиқларнинг ҳар биридан 400–450 г икра олинди. Барча эркак балиқлар етилган жинсий маҳсулот берди. Барча уруғланган икраларни Вейс аппаратида инкубация қилдик. Икраларнинг уруғланиши 100% бўлди. Дастлабки личинкалар ериб чиқиши 12 апрель куни соат 5–00 да, тугаши 13 апрель куни соат 7–00 да кузатилди. 15 апрелдан личинкаларни ушлай бошладик ва уларни очиқ жойдаги ҳовузларга кўчирдик. Ҳаммаси бўлиб 330 минг личинка кўчирилди, бу личинкалар чиқиши 67,4 % эканлигини билдиради.

Шу йили бахор совуқ келганлиги сабабли “Балиқчи”да инкубация мавсуми фақат 10 майдан бошланди. Ҳарорат дастурини қўллаб урчиш вақтини 1 ой олдинга сурилди.

Оқ дўнгпешона. Оқ дўнгпешонанинг жинсий вояга етиши ва серпуштлигига доир ишлар тадқиқотчининг номзодлик диссертацияси доирасида ва ундан кейин ўрганилган. Мазкур ишда эса серпуштлик кўрсаткичи таҳлил қилинди.

Балиқчилик хўжаликлардаги 3–6 ёшдаги ота–оналар тўдаси узунлиги 57–80 см, оғирлиги 3,6–8,7 кг бўлган балиқлардан ташкил топган эди. Урғочи балиқлар саноат кўпайтиришида 100–1300 (683) мл жинсий вояга етган икра берди, ишчи серпуштлиги 120–1430 (747) минг дона (меъёр – 500 минг дона) ва тана ўлчамлари билан ижобий боғлиқлик аниқланди: ИС = 9 * 10^{-7} * $SL^{4,9}$($r_{SL–ис}$ = 0,59).

Ишчи серпуштлик катталигига қараб биз танлаган балиқларни гуруҳларга ажратдик: “кам серпуштлик” (500 мингдан кам) улар 22% ни ташкил қилди, “ўртача серпуштлик” (500–800 минг дона), уларнинг улуши 48% ва“юқори серпуштлик” (800 мингдан кўп)– 30%. 4 ёшли урғочи балиқларнинг ишчи серпуштлиги 120–900 (570) минг дона, 5–ёшли балиқларда – 270–1430 (822) минг дона. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, танлаб олган балиқлар ишчи серпуштлиги балиқларнинг ўсишига боғлиқ эмас, урчиш олдидан ($t_п$): $r_{tп–рп}$ = 0,03. Бироқ, ёш гуруҳлари орасида кўрсаткичнинг сезиларли равишда боғлиқлиги аниқланди: 4 ёшли ўсиш суръати юқори балиқларда ишчи серпуштлиги ҳам юқори бўлади. ($r_{tп–рп}$ = 0,68), 5–ёшли балиқларда ҳам шундай ($r_{tп–рп}$ = 0,48).

Африка лаққаси, *Clarias gariepinus Burchell.* Ўзбекистонда интенсив аквакультуранинг объектлари деярли йўқ. Биз 2008–2010 йилларда жаҳон тажрибасидан африка лаққасини танлаб олдик ва биринчи марта республикага олиб келинишини, унинг репродуктив биологиясини, ўстириш асосларини ўргандик. Бу балиқнинг бошқа балиқлардан жиддий фарқи шундаки, улар тропик балиқ ҳисобланади ва бизнинг шароитда қишда (ноябрь– апрель) яшай олмайди.

Жинсий вояга етилишини ўрганиш натижасида, сунъий йўл билан гипофизар стимуллаштириш орқали 2016 йилда иситилган сув шароитида насл олинди. Айрим вакиллари ёзнинг бошида танасининг оғирлиги 40 г га етганда жинсий вояга етишнинг II босқичида эди (3,5–4 ойлик). Сентябрь ойида (7ойлик) ҳар иккала жинс вакиллари жинсий вояга етишнинг III босқичига ўтган эди, улар танасининг оғирлиги 60 гр ни ташкил қилди, 8 ойлик балиқлар жинсий вояга етишнинг IV босқичида эди. Бунда энг майда урғочи балиқлар узунлиги 28–30 см, оғирлиги эса 185–200грни ташкил қилди. Эркакларининг энг майдаси 26 см тана узунлигига ва 180 г оғирликка эга эди. Ўзбекистонда очиқ сув ҳавзалар шароитида ўстирилганда африка лаққаси бир вегетация даври давомида (апрелдан бошлаб) 8 ойда жинсий вояга етади. Урчиш олдидан жинсий вояга етган урғочи балиқларнинг жинсий етилиш коэффициенти 9,2–45 га тенг бўлди. Бу юқори кўрсаткич яъни гонадасининг оғирлиги тана умумий оғирлигининг катта қисмини ташкил қилди.

Танасининг оғирлиги 350–700 г бўлган урғочи балиқларнинг мутлақ серпуштлиги 8,69–42,05 минг донани ташкил қилади. Нисбатан йирик балиқлар юқори мутлақ серпушликка эга: ИМС = 0,090*w – 17,61 (бунда ИМС – минг дона, w – г) ($r_{w–имс}$ = 0,92).

Африка лаққаси жинсий вояга етган икраларининг ўлчами 0,9 – 1,2 мм ташкил қилади ва балиқ ўлчамларига боғлиқ эмас (r = 0,04).

Ишчи серпуштликни танасининг оғирлиги 870–1630 г (8 дона) балиқларда аниқладик. Индивидуал ишчи серпуштлиги 71,8 – 149,6 (110,4) минг дона оралиғида ўзгариб туради. Нисбатан йирик урғочи балиқлар кўпроқ ишчи серпуштликка эга эди. (r = 0,96). ИС = 0,0999*w – 15,555 (бунда ИС – ишчи серпуштлик минг дона, w – г).

Ўрганилган балиқларда ташланган (овуляция) икраларининг ўлчами 0,9 – 1,2 мм оралиғида ўзгариб туради.

«Ўрганилган балиқлар репродуктив жараёнининг ўзгарувчанлиги» деб номланган 5–бобда ўрганилган балиқлар (уларнинг кўпчилиги кўчириб келинган балиқлар ҳисобланади) бўйича олинган маълумотлар умумлаштирилган ва муҳокама қилинган. Кўпинча кўчириб келинган балиқлар ўзлари учун янги бўлган шароитда популяциясини шакллантира олишмайди, баъзан интродукция амалга ошади, айниқса янгидан яратилган экосистема шароитида.Ўзбекистон табиий шароитидаги балиқлар 44–49 турни ташкил қилади, XX асрда 47 тур балиқ кўчириб келинган, уларнинг катта қисми яшаб кетмади (кўпайиш учун шароит топа олишмади, шаклланган ихтиофауна сиқувига бардош беролмади ва бошқалар). Барча ҳолатларда кўчириб келинган балиқларнинг яшаб кетиши уларнинг янги маҳаллий ихтиофауна шаклланмаган сув ҳавзаларга (балиқчилик хўжаликлари сунъий ҳовузлари, янги сув омборлар, сизот сувлари тўпланадигани кўллар) интродукция қилиниши натижасида рўй берган, бундай ҳавзалардаги шароит ҳам кўчириб келинган, ҳам маҳаллий абориген турлар учун янги саналади. Айрим, айниқса репродуктив биологиясида устунликка эга бўлган турлар мослашиб тарқалиб кетди. Балиқлар кўчириб келинмасдан олдин республика бўйича йилига бор – йўғи 1000 тонна балиқ ушланган бўлса, 2016–2017 йилдан бошлаб йилига 70000 тоннадан ортиқ балиқ етиштирилмоқда, яъни айнан олиб келинган балиқлар республикада асосий овланадиган балиқларга айланган. Биз кўчириб келинган турлар ареалининг кенгайишига, янги популяцияларнинг пайдо бўлишига гувоҳ бўлдик.

Ўрганилган балиқларда репродуктив биологиясининг шаклланиши нормал кечмоқда. Дастлабки жинсий вояга етиши, жинсий вояга етишнинг I ва II босқичларининг давомийлигига боғлиқ, бу босқичларнинг давомийлиги эса сув ҳавзасининг ҳарорат йиғиндисига боғлиқ, Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги сув ҳавзаларида бу кўрсаткич 5 – 6000^0 кунга тенг. Кумуш товонбалиқ, орол мойбалиғи, оқ сла балиқлари ҳаётининг 2 – йили, оқча, оқ дўнгпешона, карп балиқлари 3–4 ёшида жинсий вояга етади (4–жадвал). Биз томондан ўрганилган балиқлар оогенезнинг танаффусли ярим циклик шаклига киради, йиллик серпуштлик сонининг шаклланиши ташқи муҳит омилларига боғлиқ, балиқларнинг ўсиши эса умулаштирувчи кўрсаткич саналади.

Орол денгизи ҳавзасидаги сув ҳавзаларда ўрганилган объектларда жинсий вояга етиш ва серпуштлигида сезиларли тарзда турлараро хилма–хиллик аниқланди. Нисбатан қулай шароитларда яшаётган балиқ

популяцияларида балиқлар тез ўсади ва тез жинсий вояга етади (масалан, карп, тоғликдаги Чорвоқ сув омборида 5–7 ёшида, текислик сув ҳавзаларида 3–4 ёшида жинсий вояга етади, шу билан бирга улар танасининг узунлиги 30–33 см ни ташкил қилади). Табиий ва сунъий шароитларда ўрганилган объектларда жинсий вояга етиш ва серпуштликда популяциялараро (ўлчами бўйича турларародан қолишмайди) хилма–хиллик аниқланди.

4–жадвал.

Ўзбекистоннинг асосий овланадиган балиқлари репродуктив биологияси кўрсаткичларининг турлараро хилма–хиллиги.

Тур	Биринчи жинсий вояга етиш ёши	Жинсий вояга етган балиқлар ўлчами		Мутлақ серпуштлик минг дона	Нисбий серпуштлик, икр./г
		Узунли–ги (SL), см	Танаси–нинг оғирлиги, г		
Карп	3–5	48–63	2150–5200	126 – 660	85,6–176,5
Оқ дўнгпешона	3–4	55 – 99	3600–6000	140 – 5400	79 – 392
Оқча	3–4	21,3 – 52	206 – 3210	11,1 – 772	54 – 451
Оқ сла	2–3	29 – 60	600 – 3070	81 – 553	100 – 218
Кумуш товонбалиқ	2			2–91,4	21 – 590
Орол мойбалиғи	2	23 – 35	225 – 715	19,8 – 129,8	94 – 299

Ўзгарувчанлик кўп ҳолларда репродуктив биология кўрсаткичларининг ёш кўрсаткичларига боғлиқлиги билан изоҳланади.(нисбатан катта ёшдаги ва бир хил ўлчамдаги балиқлар нисбатан ривожланган гонадаларга эга ва серпушт). Бу маҳаллий шароитнинг репродуктив биология жараёнларига ҳал қилувчи таъсирга эканлигини кўрсатади, репродуктив биология жараёнлари эса балиқларнинг яшаш шароитига балиқларнинг яшаш муҳитига ўта муҳим мослашишидир.

Нисбий серпуштлик, жинсий етилиш тезлиги ва мутлақ серпуштликка нисбатан кам ўзгарувчан белги саналади ва популяция ва унинг яшаш муҳитини таснифлайди. Ўрганилган бир қатор объектларда бу кўрсаткич тана ўлчамларига боғлиқлигини кўрсатди, аммо жинсий вояга етгандан кейин дастлабки 1–2 йилда, кейинчалик балиқлар ёши ва ўлчамидан қатъий назар ўзгариб турди. Нисбий серпуштлик кўрсаткичи тарқоқ бўлсада анча фарқ билан ўзгариб туради, карп балиқларининг табиий популяцияларида ўртача–124 минг, оқ слада–145 минг, орол мойбалиғида –158 минг, кумуш товонбалиқда–193 минг, оқ дўнгпешона балиғининг табиий популяцияларида 193 мингни ташкил қилади.

Жинсий етилганлик кўрсаткичи, айниқса икралар ўлчами кам ўзгарувчан. Тадқиқот давомида жинсий етилганлик коэффициенти айрим балиқларнинг урғочиларида урчиш даврига яқин 6–29% ни, ўртача 12,7–18,1 % ташкил этиши аниқланди. Уларнинг бир хиллиги популяция ичида ҳам популяциялараро кучли намоён бўлди. Бу белгилар турга кўпроқ қиёс берувчи белги саналади.

Оқ дўнгпешона ва карп мисолида маданий ва табиий ота–она балиқлар тўдасини таққослаш Сирдарёнинг ўрта оқими (яъни ҳудудларидан бири) сув ҳавзаларидаги балиқлар таҳлилининг кўрсатишича, турнинг урғочиларида гонадогенез ва оогенез жараёнлари балиқчиликда нормал кечмоқда. Ҳовуз балиқчилигида ота–оналар тўдаси табиий тўдадаги балиқларга қараганда нисбатан кичик балиқлардан ташкил топган, бироқ, уларнинг мутлақ серпуштлиги, нисбий серпуштлиги юқори (ўртачасининг фарқи ишончли) шу билан бирга, балиқчилик хўжаликларида кўрсаткичлар ўзгарувчанлиги бир мунча юқори. Вояга етган икралар биринчи бўлакдаги (порция) ўлчами билан иккинчи бўлакда табиий ва сунъий шароитларда унча фарқ қилмайди, фарқ ишончли эмас. Шундай қилиб, балиқчиликда мунтазам бўлмаган ва тасодифий саралаш шунга олиб келдики, натижада карп ва оқ дўнгпешона ота–она балиқлар тўдаси кўпаювчанлик хусусиятлари табиий популяцияларга қараганда юқори.

Олтинчи боб «**Ўзбекистон балиқчилик тармоғида репродуктив биология хусусиятларининг ўзгарувчанлигидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар»** деб номланади ва унда балиқчилик тармоғи учун берилган тавсиялар асосланади.

Ички сув ҳавзаларида балиқ овлаш .Ўзбекистонда балиқ овлашнинг балиқ етиштиришга салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида, табиий кўлларда асосий тадбир сифатида балиқлар урчиш даврида уларни овлашга оммавий (тотал) таъқиқ ўрнатилади ва ов қуролларининг минимал ўлчамлари белгилаб берилган. Ўрганилган объектларда бу тадбирлар балиқлар ва улар тўдасининг кўпайишига имкон беради. Балиқ овлаш сиқуви қуйидагича таъсир қилади: сув ҳавзаларида етарли даражадаги балиқлар жинсий кўпайиш давригача етиб боради, аммо балиқ овлаш ўлчами катта бўлган кейинги йил яна жинсий вояга етадиган балиқлар тезда тутиб олинади, яъни балиқларнинг урчийдиган тўдасида жинсий вояга етган ёшдаги балиқларнинг 1–2 энг майда гуруҳи қолади. Бунинг натижасида, ҳозирги вақтда карп балиғининг табиий формасининг мутлақ серпуштлиги 1 миллионга етмайди. (бу 5–6 ёшдаги урғочи балиқлар кўрсаткичи, карп балиғи 11–12 йилгача яшаши мумкин). Бу барча овланадиган балиқларга хос.

Сув ҳавзасига мунтазам равишда балиқ чавоқлари ўтказиб туриш тартиби самарали саналади, лекин уни сезиларли тарзда яхшилаш мумкин, бунинг учун овлашни катак ўлчамлари нисбатан катта ўлчамдаги тўрларга ўтказиш керак.

Тўдакўл сув омборида (ҳозирча республикада яйлов аквакультураси технологияси қўлланилаётган ягона сув ҳавза) тўр катакларининг ўлчами 70 мм дан иборат невод (ёйма тўр) билан овлашдан кейин ҳам қайта жинсий вояга етадиган 4–5 ёшдаги ота–она балиқлар қолади, шундай қилиб балиқ чавоқлари ўтказилмайдиган сув ҳавзаси ўзининг балиқ турлари ёш тузилиши структурасини кенгайтирди, соғломлаштирди ва кўпайтирди. Шу билан бирга сув ҳавзасидан балиқ ушлаш ҳажми йилдан – йилга ошиб бориб 2004 йилдаги 180–200 тоннадан, 2006 йилда1000–1650 тоннагача ошди..

Республиканинг бошқа муҳим балиқчилик сув ҳавзалари учун яйлов аквакультурасини ривожлантиришнинг (шу жумладан кўл–товар хўжалиги шаклида) биологик асосини ишлаб чиқишни, шунингдек, балиқ овлашни инновацион ривожлантириш мақсадида оқ сла, оқча ва бошқа овланадиган балиқларни сув ҳавзаларга кўчириб ўтказиш учун карп ва оқ дўнгпешона балиқларга аналог сифатида сунъий кўпайтириш биотехнологиясини ишлаб чиқишни тавсия қиламиз.

“Балиқчилик” хўжалигида балиқларнинг яшаб қолиши ва имкон қадар кўпроқ насл қолдириши учун шароит яратилган. Саноат усулида кўпайтирилаётган пайт бир жуфт ота–она балиқдан 100–300 минг дона бир ёзлик чавоқ олинади. Ҳозирги вақтда ота–оналар тўдасида ҳар хил ёшдаги ва бир ўлчамдаги балиқлар аралаштирилаяпти натижада репродуктив биологияси хусусиятларининг сифати ошади. Ишчи серпуштлик ўзгаришини камайтириш ва тез ўсадиган бир ёшдаги балиқлардан ота–оналар тўдасини шакллантириш стратегияси самарали бўлади. Ота–оналар тўдасини меъёр бўйича қулай бўлган шароитларда ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб шакллантиришни бошлаш ва балиқларнинг наслчилик – саралаш технологиясини уларнинг бир ёшли давридан бошлашни тавсия қиламиз.

Карп учун оғирлиги 60 гр, танасининг узунлиги (SL) 13 см ва ундан катта бўлган бир ёшли балиқларни, 2–ёшли балиқлардан оғирлиги 400 гр ва узунлиги 25 см бўлган, 3–ёшлилардан эса оғирлиги 1 кгдан ошиқ, узунлиги 32 см бўлган балиқларни саралаб олишни тавсия қиламиз. Бу ҳолатда карп 3–ёшида биринчи марта жинсий вояга етади ва уни 4–ёшли давридан бошлаб кўпайтиришни бошлаш мумкин. Ота–оналар тўдаси бир хил бўлиши керак, бу саноат кўпайтиришида жуда муҳим, чунки гонадотроп моддаларни инъекция қилишда уларнинг миқдори балиқ оғирлигини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, 4–5 ёшли ота–оналар тўдаси урғочи балиқларининг ишчи серпуштлиги ўртача 0,8– 1,2 миллион донани ташкил қилади.

Оқ дўнгпешона балиғи наслчилик ишлари учун ота–оналар тўдасини 1–ёшли стандарт узунлиги 17 см ва оғирлиги 100 гр, 2–ёшли балиқлардан 30 см, 3–ёшлилар учун узунлиги 45 см лик балиқларни саралаб олишни тавсия қиламиз. Бу ҳолатда барча урғочи балиқлар биринчи марта 3–ёшлигида жинсий вояга етади ва ўртача ишчи серпуштлиги 1 миллиондан ортиқ бўлади. Таъкидлаш жоизки, карп ва оқ дўнгпешона балиқларининг ҳозирги вақтдаги ишчи серпуштлиги – 500 минг донани ташкил қилади.

Республикада аквакультура учун янги объектларни танлашга доир, Ўзбекистонда балиқ маҳсулотларини аквакультура ҳисобига кўп марта ошириш эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, янги объектларни танлашда насл ҳақида кам ғамхўрлик қиладиган экологик гуруҳ вакилларига мўлжал олишни тавсия қиламиз, икра ташлайдиган, наслини қўриқламайдиган пелагофил, литофил, фитофил, псаммофил балиқ турлари истиқболли саналади.

ХУЛОСАЛАР

«Ўзбекистонда овланадиган балиқ турларининг репродуктив биологияси хусусиятлари» докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўрганилган балиқлардаги гонадогенез ва оогенез жараёнларининг ооцитлар генерацион ривожланишидаги фаоллиги Ўзбекистон шароитида меъёрда кечмоқда ва тарқалган ҳудудларида биринчи марта жинсий вояга етиши, жинсий вояга етилишнинг I ва II босқичи давомийлигига, ҳамда сув ҳавзасининг ҳарорат кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда кумуш товонбалиқ, орол мойбалиғи 2 ёшида, карп, оқ дўнгпешона, оқча, оқ сла балиқлари 3–4 ёшида рўй беради.

2. Ўзбекистон сув ҳавзалари шароитида овланадиган балиқ турлари ўртача кенгликларда тарқалган вакилларидан мутлақ ва юқори нисбий серпуштлик кўрсаткичларининг юқорилиги билан фарқ қилади, карп ва оқ дўнгпешона балиқлари популяциялари тропик регионларда эрта жинсий вояга етади. Республикадаги балиқлар тўдаси мўътадил иқлим шароитида тарқалган популяциядан фарқ қилади.

3. Етилганлик коэффициенти ва етилган икралар ўлчами жинсий вояга етиш тезлиги ва серпуштликка нисбатан кам ўзгарувчанликка эга. Етилганлик коэффициенти балиқ турларида, урғочи балиқларнинг айримларида урчиш олдидан 6–29%, тур учун ўртача 12,7–18,1% ни ташкил этиши популяция ичида ва популяциялараро ўзгарувчанликни намоён бўлиши билан изоҳланади.

4. Барча ўрганилган балиқ турларининг жинсий вояга етган икралари ўлчами урчиш олдидан 1–1,5 мм ни ташкил қилди. Бу ҳолат ўзгарган экологик шароитида наслни сақлаб қолиш учун юқори даражадаги мослашиш хусусияти билан изоҳланади.

5. Барча овланадиган балиқ турлари ооцитлар ривожланиши танаффусли ва кам порцияли урчиш типига мансуб бўлиб, ҳатто йилига бир марта урчийдиган оқ дўнгпешона балиғи ооцитлари ривожланишида порционликнинг кузатилиши сув ҳавзасидаги шароитларга мослашиш билан ифодаланади.

6. Жинсий вояга етиш ва серпуштлик даражасида сезиларли тарздаги турлараро ўзгарувчанлик мавжуд бўлиб, бу нисбатан қулай шароитда ўсаётган балиқ популяцияларининг тезроқ ўсиши, тез жинсий вояга етиши ҳамда нисбатан кўп мутлақ серпуштликка эгалиги билан асосланади.

7. Барча овланадиган балиқ турлари популяцияларида жинсий вояга етиш ва серпуштликда муайян популяциялараро ўзгарувчанликдан қолишмайдиган популяция ичидаги ўзгарувчанликнинг намоён бўлиши яшаш шароити балиқлар репродуктив хусусиятларининг шаклланишида ҳал қилувчи таъсирга эга эканлигини англатади.

8. Балиқларнинг мутлақ серпуштлик кўрсаткичи балиқлар ёши ва ўсиши билан ижобий боғланган бўлиб, бу кўп ҳолларда кўрсаткичнинг популяция ичидаги ўзгарувчанлиги билан изоҳланади.

9. Овланадиган балиқларда нисбий серпуштлик мутлақ серпуштликка нисбатан кам ўзгарувчан кўрсаткич ҳисобланади. Кичик ёшдаги жинсий вояга етган гуруҳларда кўрсаткич тана ўлчами билан боғлиқ бўлади. Балиқлар дастлабки жинсий вояга етгандан 1–2 йил ўтгач кўрсаткичнинг балиқларнинг ёши, ўсиши ва тана ўлчамларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгариб туриши популяциялар яшаш шароитига кўра мослашувчанлигини ифодалайди.

10. Ўзбекистонда ҳозирги вақтдаги овлаш ота-она балиқлар тўдаси популяциясиларининг тузилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Урчишга чиққан балиқлар тўдаси 2–3 ёшдаги индивидлардан иборат бўлсада, балиқларнинг ўзгарган шароитларга юқори мослашувчанлик хусусияти уларни турли гидротермик шароитларда кенг миқёсда кўпайиш имконини беради.

11. Ички сув ҳавзаларида балиқ овлашни оптималлаштириш ва сув ҳавзасининг балиқ маҳсулдорлигини карп ва оқ дўнгпешона балиқ чавоқларини мунтазам равишда сув ҳавзасига ўтказиб туриш ва ов қуролларининг катак ўлчамларини катталаштириш ҳисобига амалга ошириш мумкин бўлади.

12. Ҳовуз балиқчилигида карп ва оқ дўнгпешона балиқлари ота–оналар тўдасини шакллантириш технологияси турнинг мослашувчанлик имкониятини яхши ифодалайди ва урчийдиган балиқларда юқори ўсиш суръати, эрта жинсий вояга етиш ва юқори серпуштликни таъминлайди. Қўлланиладиган технологияда кўпаювчанлик хусусияти шу турнинг қўшни «ёввойи» сув ҳавзасидаги кўрсаткичига нисбатан юқори бўлиши технологияда балиқларнинг ўлчами бўйича қатъий наслчилик саралашини қўлланилиши, балиқларни ҳаётининг биринчи йилидан яхши озиқлантирилиши ҳамда бошқа қулай шароитлар яратиш ҳисобига амалга оширилиши билан асосланади.

13. Балиқ етиштириш ҳажмини сезиларли тарзда ошириш стратегиясини тропик мамлакатлар чучук сув ва қисман шўр сувларда етиштириладиган аквакультура объектларига йўналтириш тавсия этилади. Бу ўринда, икра ташловчи ва наслини қўриқламайдиган пелагофил, литофил, фитофил ва псаммофилл турлар истиқболли саналади.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА DSc. 29.08.2017.B.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РЫБОВОДСТВА

КАМИЛОВ БАХТИЯР ГАНИЕВИЧ

ОСОБЕННОСТИ РЕПРОДУКТИВНОЙ БИОЛОГИИ ПРОМЫСЛОВЫХ ВИДОВ РЫБ УЗБЕКИСТАНА

03.00.15 – Ихтиология

АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSC) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.DSc/B33

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте рыбоводства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу (www.zoology.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Официальные оппоненты:

Пазилов Абдуваеит Пазилович
доктор биологических наук, профессор

Мавлянов Очил Мавлянович
доктор биологических наук, профессор

Жуманов Муратбай Арепбаевич
доктор биологических наук

Ведущая организация:

Самаркандский государственный Университет

Защита диссертации состоится «26» февраля 2019 г. в 10^{00} часов на заседании Разового Научного совета на основе научного совета DSc. 29.08.2017.B.52.01 при институте зоологии и Национальном университете Узбекистана в зале заседаний института Зоологии (Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом $232^{б}$. Тел.: (+99871) 289 04 65, факс: (+99871) 289 10 60, e-mail: info-zoology@academy.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за № 15). Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом. $232^{б}$. Тел.: (+99871) 289 04 65.

Автореферат диссертации разослан « 12 » февраля 2019 года
(реестр протокола рассылки № 16 от «12» февраля 2019 г)

Д. А. Азимов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней
д.б.н., профессор, академик

Г. С. Мирзаева
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.б.н., старший научный сотрудник

Э. Б. Шакарбоев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире считается важным направление развития рыбоводства в ирригационной системе и повышение рыбопродуктивности во внутренних водоемах. Это требует развитие технологий пастбищной аквакультуры на основе определения возрастных структур популяций рыб и разницы темпа роста видов рыб, показателей плодовитости в разных водоемах. В связи с этим исследования репродуктивной биологии рыб в разных регионах и разработка новых методов биотехнологиий для повышения рыбопродуктивности водоемов приобретает важное научно–практическое значение.

В мировом масштабе повышению эффективности аквакультуры, оценке изменчивости репродуктивных особенностей видов рыб в зависимости от географических регионов и формированию высокопродуктивных популяций в ирригационной сети и аквакультуре уделяют большое внимание. В частности, разработаны критерии эффективности используемых технологий при искусственном воспроизводстве, усовершествованы методы формирования маточных стад с высокой плодовитостью, развито племенное дело для ряда пластичных видов рыб для разных географических регионов. Следует отметить, что разнокачественность гидротермических условий водоемов умеренных широт воздействует на воспроизводительную способность рыб как холоднокровных животных. В связи с этим регулирование промыслового лова с учетом репродуктивных особенностей рыб для обеспечения рационального использования популяций является важнейшим принципом при повышении рыбопродуктивности водоемов. В связи с указанным определение взаимосвязи репродуктивных особенностей с ростом рыб, оценка её влияния на изменчивость репродуктивных показателей внутри популяции и, на основе этого, использование в интенсивной аквакультуре имеет научно-практическое значение, особенно при освоении в пратику новых преспективных видов рыб.

В республике особое внимание уделяют повышению продуктивности рыбной отрасли и разработкам методам интенсивного рыбоводства. Усовершенствована технология поликультуры прудовых рыб, разработаны методы выращивания холодноводных, тепловодных и тропических видов рыб, начато внедрение в практику в открытых водоемах самой перспективной технологии – садковой аквакультуры. Задачи развития рыбного хозяйства республики показаны в Постановлениях Президента Республики Узбекистан[3]. В том числе, в ПП – 2939 «рационального использования ресурсов естественных и искусственных водоемов», в ПП – 4005 «увеличения эф-

[3]Постановление Президента Республики Узбекистан от 01.05.2017 г. №ПП- 2939 «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью»
Постановление Президента Республики Узбекистан от 07.11.2018 г. № ПП 4005 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбоводческой отрасли»

фективности использования площадей водоемов республики». Исходя из этих задач, выявление особенностей гонадо- и гаметагенеза рыб в естественных водоемах и в аквакультуре, обоснование взаимосвязи воспроизводительных функций с другими показателями биологии рыб, определение биологических основ и особенности воспроизводства рыб для развития рыбной отрасли в республике и внедрение в практическую деятельность перспективных объектов приобретает важное научно–практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 07.02.2017 г «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента ПП-2939 от 01.05 2017 г «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью» и ПП-3657 от 06.04.2018 г «О дополнительных мерах по интенсивному развитию рыбной отрасли» и Кабинета Министров Республики Узбекистан № 719 от 13.09.2017 г «О мерах по комплексному развитию рыбной отрасли» и 845 от 18.10.2017 г «О мерах по укреплению кормовой базы отраслей животноводства и рыбоводства», а также другими нормативно-правовым документами в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. « Сельское хозяйство, биотехнология, экология охрана окружающей среды».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации[4]. Научные исследования по формированию особенностей воспроизводства промысловых видов рыб, направленные на повышение рыбопродуктивности водоемов, осуществляют во многих научных центрах и высших учебных заведениях разных стран мира, в том числе в Institute of Aquaculture and Protection of Waters (Чехия), Research Institute for Fisheries, Aquaculture and Irrigation (Венгрия), Department of Fisheries and Marine Bioscience, Jessore Science and Technology University (Бангладеш), Department of Fishery Science, Islamic Azard University, (Иран), Московском государственном ууниверситете и Астраханском техническом университете (Россия), Казахстанском НИИ рыбного хозяйства (Казахстан), институте Зоологии (Узбекистан).

В результате исследований, проведенных в мире по особенностям репродуктивной биологии рыб в водоемах разных географических регионов, оценены показатели воспроизводства популяций, развиты рыбохозяйственные биотехнологические методы, получен ряд следующих научных результатов, в том числе определены методы племенной работы при формировании маточных стад видов рыб в разных системах разведения (Research Institute for

[4]Обзор научных исследований по теме диссертации разработан на основе http://www.works.doklad.ru.,http://www.km.ru., www.dissercat.com., researechget.com.,http://fundamental-research.ru., www.webofscience.comи другие источники

Fisheries, Aquaculture and Irrigation, Венгрия); выявлены репродуктивные особенности видов рыб умеренных широт (Institute of Aquaculture and Protection of Waters, Чехия); раскрыты особености репродуктивной биологии видов рыб в умеренных широтах (Institute of Ichthyobiology and Aquaculture, Польша); разработаны методы воспроизводства карповых в тропических условиях (Department of Fisheries and Marine Bioscience, Jessore Science and Technology University, Бангладеш); Department of Fishery Science, Islamic Azard University, Иран); доказаны взаимосвязи между репродуктивными показателями рыб и продуктивностью в разных водоемах (Московском государственном университете, Россия); разработаны методы развития селекции и нормы племенного подбора перспективных видов рыб (Астраханском техническом университете, Россия); определены показатели географической изменчивости воспроизводительной способности рыб в условиях умеренного климата (Казахстанский НИИ Рыбного хозяйства, Казахстан).

В мире по пути управления особенностями репродуктивной биологии и повышению рыбопродуктивности в разных водоемах по ряду следующих приоритетных направлений проводятся исследования, в том числе: создание технологических методов управления репродукцией рыб для повышения эффективности аквакультуры, повышения рыбопродуктивности с помощью изменения гидротермического режима водоемов в рециркуляционных системах, внедрению в практику новых видов рыб из экологических групп, имеющих высокую плодовитость.

Степень изученности проблемы. Особенности репродуктивной биологии исследованных видов внутренних водоемов умеренных широт отражены во многих работах зарубежных ученых (Selman,Wallace, 1989; Kottelat, Freyhof, 2007; Hailu, 2013; др.). Ученые из СНГ (Мейен, 1939; Дрягин, 1949; Турдаков, 1963; Максунов, 1968; Персов, 1975;Овен, 1976; Шакирова, 1980; Кошелев, 1984; Макеева, 1992) обратили большое внимание на изучение репродуктивной биологии основных промысловых видов рыб внутренних водоемов, они проводили исследования созревания рыб, плодовитости и нереста. В Узбекистане характеристика биологии рыб отражены в ряде работ (Камилов, 1973; Хакбердиев, 1983; Аманов, 1985; др.). Однако, вышеуказанные исследования полностью не отражают сведения по репродуктивной биологии рыб в условиях водоемов республики и практическое значение в рыбном отрасли, Разработка перспективных методов выращивания рыб в аквакультуре республики, выявленная на основе определения особенностей репродуктивной биологии основных промысловых видов рыб, имеет важное научно-практическое значение.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ учреждения, где выполнена работа. Диссертационое исследование выполнено в рамках прикладных и инновационных проектов по темам «Разработка высокопродуктивных технологии интенсивной аквакультуры на базе использования воды ирригационной системы для выращивания рыбы и других гидробионтов» А6–ФА–0–14138 (2012-2014),

